

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА  
ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

## **21 Ўзбекистон Республикаси ҳудудига жисмоний шахслар томонидан товарларни божсиз олиб кириш нормаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 20 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 279-1*

*(2010 йил 30 январдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 230-модда) 6 ва 7-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 1 июндаги ПҚ–1118-сон «Жисмоний шахслар томонидан истеъмол товарларини олиб киришни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 23-сон, 262-модда) қарори ва «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинганлиги учун йиғим ундиришни жорий этиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 1996 й., № 8, 22-модда) қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қилдилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Бош божхона бошқармаси томонидан 1996 йил 7 сентябрдаги 55, 1200-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудига жисмоний шахслар томонидан товарларни божсиз олиб кириш нормаларига (рўйхат рақами 279, 1996 йил 10 сентябрь) иловага\* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 4 январь,  
1-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

**21-22-моддалар**

**Давлат божхона  
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,  
2010 йил 4 январь,  
01-02/8-33-сон

— 6 —

**3-4 (399-400)-сон**

**С. НОСИРОВ**